

Ҳазрати Умар ва аҳли зиммалар



13:37 / 11.11.2024 1746

Ислом жамияти соясида яшайдиган ғайридинлар исломий истилоҳда «аҳли зимма» деб аталадилар. Яъни, уларнинг дини, жони, моли ва бошқа жиҳатдан тинч-омонлиги мусулмонлар зиммасида бўлади. Мусулмонлар «аҳли зимма»лар билан аҳднома тузганда, уларни ана шу нарсалар билан таъминлашни ўз зиммаларига олганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида Мадинаи Мунавварада яҳудийлар мусулмонлар билан аҳднома асосида аҳли зимма бўлиб, ўз динларига амал қилиб, тинч-омон яшаганлар. Уларнинг ўзлари томонидан оғир хиёнат ва жиноятлар содир бўлгандагина мусулмонлар қарши чоралар кўришга мажбур бўлганлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анхунинг даврларида ҳам ана шу сиёсат давом этди.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг даврларида эса бошқа масалалар каби бу масалада ҳам кўплаб янгиликлар содир бўлди. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху аҳли зимма масаласида ҳам кишининг ақли лол қоладиган даражада ажойиб ижтиҳодлар қилдилар. Буларнинг ҳаммаси Исломнинг умумий таълимотларига суянган ҳолда амалга оширилди. Қуръон ва Суннат таълимотларининг нозик жойларигача чуқур тушуниб етган халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бу соҳада асрлар давомида барча динлар, барча миллатлар ва барча жамиятларга ўрناк бўлиб, яна ортиб қоладиган ишларни қилдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг Байтул Мақдис насороларига берган аҳдлари ва улар билан қилган муомалалари ҳақида юқорида гаплашган эдик. Бу ишни ҳозиргача ҳеч ким қила олмади, мабодо қилса ҳам, Умар розияллоху анхунинг қилганларини такрорлаган бўлади.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг форс мажусийларига нисбатан юритган сиёсатлари ҳам у кишининг ва омилларининг Ҳурмузон ҳайъати ила қилган муомалаларидан кўриниб турибди.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг ўз фаолиятлари давомида чиқарган фармонлари, ҳукмлари ва қилган муомалалари аҳли зиммага нисбатан ҳам айна адолатдан иборат бўлган. Ушбу масалага оид ҳужжатларни ўрганган одам улкан ҳақиқатнинг қаршисида турганини дарҳол ҳис этади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-сонли тавсияси билан чоп этилган.